

# Ҳазрати Усмоннинг икки ажойиб сифатлари



11:41 / 09 сентябрь 1030

## 1. Ҳаё.

Усмон розияллоҳу анҳу одамларнинг энг ҳаёлиси эдилар. У киши Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматлари ичидан чиққан, олдида Аллоҳнинг фаришталари ҳам ҳаё қилган бир инсондир. Ҳатто Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам у кишидан ҳаё қилар ва: «**Малоикалар ҳаё қилган одамдан мен қандай ҳаё қилмай**», дер эдилар.

## 2. Саховат.

Қурайшда ҳазрати Усмондан кўра саховатлироқ киши йўқ эди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан барча ғазотларда иштирок этганлар. Ҳижрий 6 йил зулқаъда ойи, милодий 628 йилда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Маккага умра мақсадида келгандарининг хабарини бериш учун Қурайшга элчи қилиб юборганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўшанда Мадинадаги мусулмонлар билан бирга Маккан мукаррама яқинидаги Ҳудайбия деган жойга келиб тушган эдилар. Усмон розияллоҳу анҳу бу вазифани яхшилаб адо этдилар. Қурайш у кишини ўзларига мойил қилиб олиш мақсадида кўп нарсаларни ваъда қилишди. Лекин ҳазрати Усмон: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тавоғ қилмагунларича мен қилмайман», деб ҳатто тавоғ ҳам қилмадилар. У киши ҳақларида «Усмон ўлдирилди» деган миш-миш тарқалди. Шунда Расулуллоҳ

соллаллоху алайхи васаллам: «Мана шу қавм билан урушмагунимизча ортга қайтмасдан, шу ерда турамиз», дедилар. Мусулмонлар жангдан қочмаслик, Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламга итоатсизлик қилмаслик ҳақида байъат қилдилар ва бу байъат «Ризвон байъати» деб номланди. Ушбу байъат ҳазрати Усмон розияллоху анхунинг шарафлариға амалга оширилган эди.

Табук ғазотида одамлар қийинчилиқда қолишганида, Усмон розияллоху анху Шомга юборишига тайёрлаб қўйган икки юз туялик карвонини устидаги анжомлари билан, яна саккиз минг дирҳамни (кумуш танга) ҳам қўшиб, Аллоҳ йўлида эҳсон қилдилар. Сўнг яна юзта туяни эгар-жабдуқлари билан келтириб бердилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васалламнинг ҳузурлариға минг динор (олтин танга) олиб келиб бердилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам: **«Бугундан кейин Усмон нима қилса ҳам зарар қилмайди»**, дедилар [\[1\]](#). Усмон розияллоху анху кейин ҳам қайта-қайта эҳсон қилдилар, ҳатто улар пуллардан ташқари тўққиз юз туя ва юзта отга етган эди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам ҳазрати Усмон розияллоху анхудан рози ҳолда вафот этдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам: **«Ҳар бир набийнинг ҳамроҳи бордир. Менинг жаннатдаги ҳамроҳим Усмондир»**, деганлар [\[2\]](#).

Абу Бакр розияллоху анхунинг даврларида у киши Умар розияллоху анхудан кейинги шахс сифатида давлат ишларини юритишда доим бирга бўлар эдилар. Ҳазрати Умар розияллоху анхунинг даврларида ҳазрати Усмон розияллоху анху давлатнинг иккинчи шахси бўлганлар.

У кишидаги юмшоқлик билан ҳазрати Умар розияллоху анхудаги шиддат қўшилиб ўртача, мўътадил ҳолат юзага келар, бу эса давлат ишларини юритишда жуда ҳам муҳим эди.

### **«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди**

[1] Имом Аҳмад, Ҳоким, Табароний ва бошқалар ривоят қилган.

[2] Имом Термизий, Абу Яъло, Ибн Асокир, Ибн Можа ва бошқалар ривоят қилган.

???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????  
2023 ??? 14 ??????? 03-07/1733-?????? ??????? ??????? ??????? ???????.